

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ: АҲОЛИНИНГ ЎСИБ БОРАЁТГАН ТАЛАБИГА МУНОСИБ ҲАРАКАТ ҚИЛИШНИ ЗАМОННИНГ ЎЗИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 31 март куни Хоразм вилоятига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Урганч шаҳрида халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

— Бугун мана шу қадим ва табаррук заминда, муборак Рамазон ойида сиз, азиз юртдошларим билан кўришиб турганимдан фойда мамнунман, — деди давлатимиз раҳбари. — Агар таҳлил қилсак, Хоразмда кўп нарсалар ўзгарди. Лекин замон шиддат билан ўтпти, аҳолининг талаби ўсиб борапти. Биз шунга муносиб ҳаракат қилишимиз керак. Шунинг учун ишмизни танқидий кўриб, катта-катта марралар олишимиз керак.

Ийгилиш аввалида Хоразм вилоятидаги ўзгаришлар қайд этиб ўтилди. Охириги олти йилда мактабгача таълим қамрови 22 фоиздан 79 фоизга етказилди. 131 та мактаб қурилди ва реконструкция қилинди. 580 миң аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди.

Вилоятдаги 531 та маҳаллани обод қилишга қўшимча 1 триллион сўм, туман марказлари йўлларини тазмирлаш, пиледалар йўлагини ва ёриткичларга 50 миллиард сўм ажратилган.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш ишлари ҳам жаддалашган. Охириги беш йилда 9 миң 500 та хонадонли уйлар фойдаланишга топширилган. Бу хайрли ишларнинг давоми сифатида Урганч шаҳрида Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилиши бошланди.

Саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатишда 1,5 миллиард долларлик 7 миң лойиҳа доирасида янги корхоналар ишга тушди. Бу орқали 50 миң янги доимий иш ўринлари яратилиб, 19 миң оила камбағалликдан чиқарилди.

Ишлаб чиқариш 1,5 бараварга кўпайди, саноат экспорти 190 миллион долларни ташкил этди. Айниқса, тўқимачилик, автомобилсозлик, озиқ-овқат, электротехника ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 2 бараварга ўсди. Лекин вилоятда иқтисодий имкониятлар бундан ҳам кўплиги, аҳолини қийнаётган кўплаб масалалар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Давлатимиз раҳбари Хоразм вилояти ҳокими лавозимига Жўрабек Раҳимов номзодини тавсия этди.

Ж.Раҳимов 1981 йилда Хоразм вилоятида туғилган. Меҳнат фаолиятини Шовот туманида бошлаб, сўнгги йил-

ларда Богот ва Қўшқўпир туманлари ҳокими лавозимларида ишлаган. У ўтган йилнинг декабидан буён Хоразм вилояти ҳокими вазифасини бажариб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари номзодни лавозимга тасдиқлашдан аввал унинг режаларини эшитишни таклиф этди. Жўрабек Раҳимов вилоятда тадбиркорлик, саноат, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш бўйича режаларини тақдимот қилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш чораларига биринчи навбатда эътибор қаратилди. Президентимиз айтилган таклифларни маъқуллаб, улар юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари учун берилган 940 миллиард сўмга қўшимча 100 миллиард сўм йўналтирилиши белгиланди. Янги тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш орқали 57 миң, касаначилиқда салоҳияти бор 240 та маҳаллада меҳнат қуроллари ва жой масаласини ҳал қилиб, 50 миң, ўзини ўзи банд қилиш орқали 28 миң аҳоли бандлигини таъминлаш мумкинлиги айтилди.

Иккинчи муҳим вазифа — озиқ-овқат маҳсулотлари балансини таъминлаш. Шу мақсадда “Тошсоқа тизимидаги магистрал суғориш каналини тиклаш” лойиҳасининг иккинчи босқичи бошланди. Богот, Шовот ва Янгибозор туманларидаги 2 миң гектарда узум, олма ва қовун плантациялари, Гурлан ва Боготда агрологистика марказлари ташкил этилади. Паррандачилик, чорвачилик, сутни қайта ишлаш лойиҳалари амалга оширилади.

Маълумки, ҳар бир туманга камида 50 миллион доллар инвестиция жалб қилиш вазифаси қўйилган. Вилоят ҳокимлигига номзод бунинг эвазига туманларда қандай лойиҳалар мўлжаллангани ҳақида ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари 14 та йирик саноат лойиҳаси инфратузилмаси учун қўшимча 100 миллиард сўм йўналтириш, Урганчда электротехника ва фармацевтика саноат парклари ташкил қилиш бўйича кўрсатма берди. 20 миллион доллар инвестиция эвазига “Damas” ва “Labo” автомашиналарини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш вазифаси қўйилди. Бу орқали 300 та янги иш ўрни яратилади.

Саноат корхоналари ва уй-жойларни электр энергияси билан таъминлаш чора-тадбирлари ҳам белгиланди. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, мактаб ва боғчалар барпо этиш, аҳолини уй-жой ва ичимлик суви билан таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Президент мактабларда санитария ҳолатини яхшилаш, чет тили ва касбга ўргатиш хоналарини ташкил қилиш ҳамда 12 та ИТ-парк очиб ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Умуман олганда, Хоразмда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга бу йилги давлат дастурларида кўзда тутилган 1,5 триллион сўмга қўшимча 400 миллиард сўм ажратилиши маълум қилинди. Бундан ташқари, аграр соҳа, ичимлик суви ва тадбиркорлик лойиҳаларига қўшимча 475 миллион доллар жалб қилиш бўйича топширик берилди.

Барча чора-тадбирлар орқали 365 миң аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаб, Хоразмни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш вазифаси қўйилди.

Тақдимотдан сўнг вилоят кенгаши депутатлари номзоднинг режалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ташкилий масала овозга қўйилди. Унинг натижаларига қўра, Жўрабек Раҳимов Хоразм вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

— Бугун сизлар билан аҳоли ҳаётига дахлдор барча масалаларга тўхталиб, зарур маблағлар ажратдик, вилоятга янги ҳоким тасдиқладик. Эндиги вазифа — бутун Хоразм эли ҳоким атрофида жиқлашиб, мутасаддилар фидойи ва ҳалол бўлиб, бугун айтилган режа ва ташаббусларни ҳаётга, аҳоли турмуш тарзига қўчириши керак, — деди Шавкат Мирзиёев сессия сўнгиди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркиннинг Хоразм филиалини бориб кўрди.

15 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига барпо этилган ушбу марказ йилига 4 миң 500 нафар ёшнинг ахборот технологиялари йўналишида ўқитиш ва ИТ хизматлар кўрсатиш қувватига эга. Бу ёшларнинг замонавий мутахассисликларни эгаллаб, ўз йўлини топишида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, ушбу мажмуада ҳам 250 нафар йигит-қиз иш билан таъминланган.

Президентимизга ИТ-паркда амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги режалар ҳақида маълумот берилди.

Бу ерда ўқув машғулотларини ташкил этиш ҳамда ИТ хизматларини экспорт қилиш учун барча зарур шароитлар яратилган. Мақсадлар ҳам шунга яраша, жорий йилда экспорт ҳажмини 3 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

Шу ернинг ўзиде ИТ-парк резидентлари, ахборот технологиялари соҳасида фаолият олиб бораётган ёшлар билан мулоқот бўлди. Улар ўзларининг фаолиятлари ҳақида сўзлаб берди.

Давлатимиз раҳбари ёшларнинг фикрларини эшитиб, таклифларини қўллаб-қувватлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Президентимиз Хоразм вилоятидаги “Янгибозор текстиль агрокластер” масъулияти чекланган жамиятининг тўқимачилик корхонаси фаолияти билан танишди.

Қиймати 13 миллиард сўмдан зиёд бўлган мазкур лойиҳа доирасида хориждан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. Йилига 5 миллион донга тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати яратилган. Товарларнинг 65 фоизини экспортга йўналтириш мўлжалланган.

Бугунги кўнда бу ерда 500 га яқин хотин-қизлар ишламоқда.

Шавкат Мирзиёев корхонадаги иш жараёни билан танишиш асносида улар билан суҳбатлашди. Хотин-қизлар чекка туманларга ҳам саноат кириб келаётгани, ўз уйи яқинида шундай замонавий корхонада ишлаётганидан мамнунлигини айтди.

Шу ерда Хоразм вилоятидаги 6 та янги корхонани ишга тушириш маросими бўлди. Улар — Урганч шаҳридаги “Эко Оби ҳаёт” корхонаси томонидан

гипсокартон маҳсулотлари, Урганч туманидаги “Закиров” хусусий корхонаси томонидан бурама миҳ, Хива гилами комбинатининг иккинчи босқичи, Богот туманидаги “Коба текс” корхонаси томонидан тайёр газлама, Урганч туманидаги “Хоразм Солт Бизнес” корхонаси томонидан техник тузалар, Хонқа туманидаги “Хоразмтекс Фейшн” корхонаси томонидан тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларидир.

Ушбу корхоналар вакиллари видеоалоқа орқали мажмуалар салоҳияти ҳақида ахборот берди.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, ушбу янги корхоналарни ишга туширди.

Давлатимиз раҳбари Янгибозор туманидаги “Хоразм фахри” уруғчилик кластери даласида ҳам бўлди.

Бу кластернинг умумий ер майдони 286 гектар. Шундан 147 гектаридега 122 гектариде пахта етиштирилмоқда. 45 киши доимий иш билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари экинлар ривожини кўздан кечирди. Ғалла ва ғўзанинг нави, мевали дархатлар ҳосилдорлиги билан қизиқди.

Маълумки, Хоразм сув тақчил ҳудуд саналади. Шунинг учун деҳқончиликда сув тежовчи технологиялардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Ғалла майдонининг бир қисмида ёмғирлатиб суғориш, олма қўчатлари қадалган янги боғ ораларига эса сабзи, пиёз, шолғом каби қишлоқ ҳўжалиги экинлари экиш йўлга қўйилган.

Президент бундай омилкорликни бошқаларга ҳам ўргатиш кераклигини таъкидлади.

Мамлакатимизда ғалладан бўшаган майдонлар такрорий экин экиш учун ишсиз аҳолига бўлиб берилмоқда. “Хоразм фахри” уруғчилик кластерида ҳам 80 нафар аҳолига 30 сотихдан сабзавот экиш учун ер берилган. Бу йил яна 26 нафар кишига ер ажратилиши кўзда тутилган.

Президент шу ерда қишлоқ ҳўжалиги ходимлари, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари вакиллари билан суҳбатлашди. Хоразмнинг туپроғига мос экинлар етиштириш, қишлоқ ҳўжалигини саноатлаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Икром АВВАЛЮЕВ,**  
**Аҳмадхон ШОҚИРОВ,**  
**Ўза мухбирлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Ж.Р.РАХИМОВНИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Жўрабек Раҳимович Раҳимов** Хоразм вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 31 март

### РАҚАМЛАШТИРИШ

**Замонавий кадастр тизими:**  
**Энди ҳАР ҚАРИЧ ЕРНИНГ АНИҚ ТАҲЛИЛИ ВА ҲИСОБИ БЎЛАДИ**

4-бетга қаранг.

### БУГУННИНГ ГАПИ

## ОРОЛГА ҚАЙТМОҚДА эрка чорлоқлар

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши мажлислар зали суви куйгандек жим-жит. Бир неча дақиқадан сўнг давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи доирасида Қорақалпоғистон иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари муҳокамаси бўйича йиғилиш бошланади. Йиғилиш Кегейли туманида бўлади, қолган барча туман ва шаҳарлар вакиллари видеокузатув орқали иштирок этади.**



Шу лаҳзаларда бир қур атрофига разам солган киши барчанингу юзу кўзида Президентимиз бу сафар бизни қандай янгиликлар билан сийлайди, олдимизга қандай вазифалар қўяди, деган нозик ҳаяжонни илғайди.

Бу табиий ҳол. Зеро, мамлакатимиз раҳбари жойлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар ижроси билан танишиш, халқ билан юзма-юз учрашиш мақсадида қайси вилоятга бормасин, албатта, қилинган ишларни халқ билан биргаликда муҳокама-таҳлил қилади, одамларнинг турмушини фаровон қилиш, иқтисодий ҳолатини юксалтириш бўйича йирик лойиҳаларни ўртага ташлайди. Шу тарзда сўровлар, ҳисоботлар, савол-жавоблар, топшириқлар бошланади...

Давоми 3-бетда

## ТАРАҚҚИЁТ МАНЗИЛЛАРИ

## Деҳқонобод калий заводи:

ДУНЁНИНГ 18 ДАВЛАТИГА  
ЭКСПОРТ АМАЛИЁТИ

Юртимиз тупроғи олтинга тенг. Табиий бойликлару қимматбаҳо маъдани конлар мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида мавжуд. Хусусан, Деҳқонобод тумани кенгликларидagi калий кони ҳам ўзига хос ноёб бойлик ҳисобланади. Бугун бу маҳсулотга дунё бозорига талаб юқори. Ҳозирда Ўрта Осиёда ягона саналган “Деҳқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти йилга катта миқдордаги маҳсулотни қайта ишлаб, нафақат ички, шунингдек, дунё бозорига ҳам чиқармоқда.

2007 йил 17 декабрдаги “Деҳқонобод калий ўғитлари заводи қурилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, хорижлик ҳамкорлар иштирокида завод қурилишига старт берилди. Ийрик лойиҳани ишга тушириш мақсадида олиб борилган жараёнлар натижасида Тепакўтон кони яқинида, яъни Бешбулоқ қишлоғи ҳудудида янги завод қад ростлади.

Кенг кўламли бунёдкорлик ишлари якунига етказилган, 2010 йилга келиб мазкур заводда ишлаётганлар сони 1321 кишига етди.

Бу даврда Марказий Осиёда ягона ҳисобланувчи ийрик санат корхонасининг ишга туширилиши натижасида ушбу турдаги маҳсулотнинг хорижий давлатлардан импорт қилинишига барҳам берилди. Шунингдек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожини учун гоятда муҳим уч асосий — фосфорли, азотли ва калийли минерал ўғитлар ишлаб чиқариш салоҳиятига эга дунёнинг санокли давлатлари қаторидан жой олди.

Ўтган йил сарҳисобига назар ташласак, 2022 йил якуни билан амалдаги нархларда 1 триллион 242,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режа кўрсаткичи 119,4 фоизга бажарилди. Саноат маҳсулоти ҳажми 2021 йилда 600,2 миллиард сўмни ташкил этганини инобатга олсак, 2022 йилдаги кўрсаткич унга нисбатан 2 қарра юқори бўлгани кўринади.

## Икки баробар юқори ўсиш

Дастлабки йилларда заводда мингдан ортиқ одамнинг бандлиги таъминланган бўлса, кейинги йилларда олиб борилган ислохотлар самарасида улар сафи икки мингдан ошди. Шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам юқорилди.

— Заводимизда бугун уч навбатда иш ташкил этилган. Кон ва ишлаб чиқариш цехларимизда узлуксизлик таъминланган, — дейди “Деҳқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти бошқарув раиси Раҳмат Усаров. — Заводимизда 2010 йил август ойида маҳсулот олини бошланган. Маълумки, бу даврга қадар юртимиз кимё санат тармоқларида фақатгина азот ва фосфор ўғитлари ишлаб чиқарилган. Яъни биламизки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда учта асосий элемент — азот, фосфор ва калий зарур бўлади. 2010 йилга келиб, учта ўғит ишлаб чиқариш бўйича ҳам мустақил заводларимизга эга бўлдик. Бу ҳолат дунёнинг камдан-кам давлатларида учрайди.

Этибор қаратадиган бўлсак, завод бунёд этилгунга қадар ҳар йили ўртача 60-70 минг тонна калий ўғити юртимизга четдан импорт қилинган. Корхона ишга туширилган, биринчи босқичда йилига 200 минг тонна маҳсулот тайёрлана бошланди. Орадан бир оз вақт ўтиб, қувватларни ошириш борасида таклиф ўртага ташланди. Ўрганишлар натижасига кўра, иккинчи босқични ишга тушириш ҳаракати бошланди. Шундан сўнг қўшимча қайта ишлаш фабрикаси 2014 йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топширилди. Пировардида, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 400 минг тоннага етказиш имконини берди.

Ҳозирда заводда қайта ишланган калий хлорид маҳсулоти нафақат ички бозорни таъминлаб келмоқда, балки Жанубий Корея, Эрон, Тожикистон, Япония, Польша, Хитой, Вьетнам, Литва, Малайзия, Индонезия, Латвия, Туркия, Греция, Швейцария, Марокко, Филиппин, Таиланд каби 18 давлатга экспорт қилинмоқда.

Ўтган йил сарҳисобига назар ташласак, 2022 йил якуни билан амалдаги нархларда 1 триллион 242,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режа кўрсаткичи 119,4 фоизга бажарилди. Саноат маҳсулоти ҳажми 2021 йилда 600,2 миллиард сўмни ташкил этганини инобатга олсак, 2022 йилдаги кўрсаткич унга нисбатан 2 қарра юқори бўлгани кўринади.

Йил якуни билан 145,3 минг тонна — 74,1 миллион доллар қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди. Экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар ошди.

Шунингдек, ўтган йили маҳаллийлаштириш дастури доирасида 19,1 тонна суюқ парафин ишлаб чиқарилди.

Жорий йилда физик ҳолда 380 (соф ҳолда 228) минг тонна, 1 159,9 миллиард сўмлик калийли минерал ўғитлар ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Шундан 280 минг тонна, яъни 89,6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади. 120 минг тонна маҳсулот биржа савдолари орқали маҳаллий истеъмолчиларга етказиб берилди.

## Истиқболли лойиҳалар ишга туширилади

Шу йил бошида қўшимча мажмуада янги лойиҳаларни ишга тушириш мақсадида ҳаракатлар бошлаб юборилган. Хусусан, қондан қазиб олинган руда заводга келтириб, қайта ишланади ва ундан ажратиб олинган калий маҳсулот сифатида савдога йўналтирилади. Яъни ўртача бир тонна рудадан 240-250 килограммгача калий олинадиган бўлса, демак 750-760 килограмми чиқитга чиқарилади. Айти кунларда эса завод маъмурияти мазкур чиқиндини қайта ишлаб, фойдали маҳсулотга айлантириш борасида бир қатор ўрганишлар олиб бормоқда. Бу борада мутахассислар жалб этилган.

— Бугунги тезкор даврда томошбин бўлиб ўтириш бепарволикдан бошқа нарса эмас, — дейди заводнинг ишлаб чиқариш бўлими етакчи муҳандиси, муҳандис-технолог Мирзохид Соатов. — Замонга қараб ҳамнафас яшаш зарур. Шу боис, юртимизда олиб борилмаётган катта ўзгаришлардан илҳом олиб, биз ҳам ўз корхонамизда янгиланишлар сари дадил одимламоқдамиз. 2023 йил учун инновация йўналишида янги турдаги — терпен мойи, бирламчи амин, тоза натрий хлорид, гептан каби маҳсулотларни ишлаб

чиқариш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилмоқда. Бу эса келгусида заводимиз тармоғи кенгайишига замин яратиши билан бирга, даромад манбаини оширишга хизмат қилади.

## “Конда ишлаш мен учун фахр”

Бугун акциядорлик жамиятида ишловчиларнинг асосий қисмини маҳаллий, яъни Деҳқонобод тумани аҳолиси ташкил этади. Ҳозирда улар оддий ишчилик тартибда, асосий бошқарув аппаратидаги ходимлар меҳнати ҳеч бир хорижлик мутахассисдан кам эмаслигини амалда кўрсатмоқда.

Фарҳод Муминов завод яқинидаги Бешбулоқ қишлоғида туғилган. Болалигидан техникага қизиқиши юқорилиги боис, шу йўналишда иш олиб боришга иштиёқи банд эди.

— Кон очилган, шу ерга ишга қабул қилишди, — дейди у. — Бу ерда табиий бойликлар борлиги ҳаёлимизга ҳам келмаганди. Мана, энди шу бойликларни қазиб чиқаришда ўзим ҳам иштирок этаман. Конда комбайн бошқарман. Ер ости бойликларини кўриб, кўз қувнайдим. Ҳозир камидан ўн километр ичкарида руда қазиб ишларини олиб бораёмиш. Ишимни ёқтирганым боис, доим конга интиламан. Кон ишчилари учун барча шароитлар яратилган. Иссиқ овқат, етарли маош билан таъминлашмоқда. Бундан ташқари, маданий ҳордиқ чиқариш учун ҳам керакли шароитлар яратилган.

Ҳудудда завод қурилиши фаровонликка асос бўлди. Қишлоғимиз обод бўлиб, йўлларимиз таъминланди. Бир қанча янги иншоотлар барпо этилди. Энг асосийси, қишлоқ аҳолисининг

бандлиги таъминланди. Одамларнинг яшаш тарзида ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Албатта, ислохотлар самараси бугун амалда ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, санат корхонасининг иш бошлаши ҳудуддаги ҳар бир оилага тўкинлик олиб кирмоқда. Мисол учун, ҳозир заводда 2046 нафар ишчи-ҳодим фаолият юритаётган бўлса, шуларнинг 245 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Шунингдек, қўшимча тарзда ижтимоий аҳоли оғир бўлган 18 нафар хотин-қиз заводнинг тикув бўлимига ишга қабул қилинган. Бу ерда аёллар, асосан, ётоқхона чойшаблари ва кўлқоплар тикиб, даромад олмақда.

— Корхонамиз маъмурияти ташаббуси билан икки йилдан бери шу яқин атрофдаги имконияти чекланган хотин-қизларнинг ҳам бандлиги таъминланди, — дейди жамиятнинг хотин-қизлар ташкилоти раиси Мухтасар Каримова. — Улар уйда туриб, керакли иш буюмларини тикиб берапти. Бу эса ўз-ўзини банд қилиш билан бирга, оиласи даромадида муносиб ҳисса қўшишга сабаб бўлмоқда.

## Ёшлар учун имконият кенг

Саноат корхонасида фаолият олиб бораётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида таълим олган Шерзод Шеров 25 ёшда. Талабалик даврида корхонада амалиёт ўтагани боис, шу ерда ишлаш истаги пайдо бўлган. Уқилини тамомлаб, заводга келди. Мутахассисларнинг синовидан яхши ўтган Шерзод қисқа вақтда кўпчиликлари намуна бўлди. Ҳозир бу ерда етакчи-ҳисобчи вазифасида фаолият олиб бормоқда. Тўртта хорижий тилни яхши билиши чет эллик ҳамкорлар билан мулоқот олиб боришида айти мудо бўлмоқда.

— Ишимиз, асосан, ҳисоб-китоб билан боғлиқ, — дейди Ш.Шеров. — Шу боис, ўз соҳам устида доим изланишда, билим олишда тўхтаб қолмайман. Ишимизда адашши бўлмаслиги лозим. Катта корхонадан доимий равишда кўп миқдорда маҳсулот сотувга чиқарилади. Талабалик вақтимда амалиётни шу ерда ўтказганим ишни тез ўрганиб олишимда кўп келди. Бу ерда мен каби тендошларим кўпчиликини ташкил қилди. Асосийси, мажмуада ёшларга кенг имкониятлар берилган.

## Хорижий инвестор жалб этилади

Бугунги кунда Вазирилар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, Халқаро молия корпорациясининг тавсияларига кўра, “Деҳқонобод калий заводи” АЖ устав капиталидаги “Ўзкимёсанот” АЖ улушини савдога чиқариш бўйича “Йул харитаси” ишлаб чиқилган.

Корхонага хорижий инвесторларнинг жалб қилиниши келгусида бир қатор янгилик ва имкониятлар туғдириши эса мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Жумладан, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиб, қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Янги технологиялар жорий қилинади. Асосийси, захираси юз йилдан ортиқ мuddатга етиши аниқланган табиий ер ости бойлигимиз юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

## Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

## 30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ЁШЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИ ВА МАНФААТИ  
қай даражада кафолатланяпти?

Конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёни бир неча босқичда ташкил этилди. Уни шакллантириш ва тайёрлашда БМТ, ЕХҲТ, ШҲТ, ЕИ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар томонидан қабул қилинган 400 дан зиёд халқаро ҳужжат, 190 га яқин мамлакат Конституцияси пухта ўрганилди ва таҳлил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия тузилиб, фуқаролардан таклифлар олинди. Мазкур комиссия таклифларни ўрганиб чиққанидан сўнг Конституциявий қонун лойиҳаси шакллантирилиб, умумхалқ муҳокама-сига кўйилди. Бундан ташқари, лойиҳа бир неча бор турли даражада муҳокама қилинди, 10 га яқин халқаро экспертизадан ўтказилиб, хорижлик мутахассислар томонидан кўлаб-қувватланди.

Маълумотларга қараганда, Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан бугунга қадар 220 мингдан ортиқ таклиф келиб тушган. Қувонарлиси, уларнинг 60 фоиздан ортиғи бевосита ёшлар томонидан берилган. Таклифларнинг ҳар тўрттадан биттиси лойиҳадан жой олган. Шу боис,

Севара МАҲМУДОВА,  
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги  
Ёшлар парламенти раиси ўринбосари

Мамлакатимизда кейинги йилларда барча жабҳада амалга оширилаётган кенг кўламли, чуқур ва шиддатли ўзгариш ва янгиланишлар амалдаги қонунчилик, хусусан, Асосий қонунимизни ҳам қайта кўриб чиқиш, уни янги даврга мос, тараққиётга кенг йўл очиб берадиган, ислохотларни қўллаб-қувватлайдиган, бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий асос бўла оладиган даражага етказишни тақозо этди. Шу боис, Конституциямизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жараёнини том маънода янги давр, Янги Ўзбекистон талаби, эҳтиёжи ва зарурати сифатида юзага келди, деб айтиш мумкин.

яни таҳрирдаги Асосий қонунимизни бемалол умумхалқ Конституцияси ёхуд халқчил Конституция, деб аташ мумкин. Унда ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг 18 миллиондан ортиғини ёшлар ташкил этади.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг XIV боби “Оила, болалар ва ёшлар”, деб

аталади. Мазкур бобнинг 79-моддаси бевосита ёшларга бағишланган бўлиб, унда “Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишига, соғлигини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратди”, дейилган.



Кўриб турганимиздек, ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат ҳаётида

фаол иштирок этиши, ўз ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароит яратиш, уларга маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан ривожланишига шарт-шароит яратиш ҳамда бандлигини таъминлаш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олмоқда. Бу эса ёшларимизга рағбат бериш баробарида, ҳаётда ўз салоҳиятини тўлақонли намоён этишига имконият яратди.

Яна бир эътиборли жиҳат шундан иборатки, янги таҳрирдаги Конституцияда ёшларнинг танлов асосида бепул олий таълим олиши ҳам кафолатланмоқда. Очик айтиш керак, сўнгги йилда ёшларнинг давлат гранти асосида бепул таълим олиши салмоғи анча камайган эди. Айти пайтда давлат гранти асосидаги квоталар сони икки баробар кўпайиб, 40 мингга етказилди. Бунинг натижасида ёшларда, аввало, билим олишга қизиқиш ва иштиёқ ошди. Илмни йигит-қизлар кўпайишига замин ҳозирланади, улар ўз иқтидорини намоён этишига шарт-шароит вужудга келади.



Олий Мажлис палаталари шу йилнинг 30 апрель куни “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу, албатта, мамлакатимиз иқтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеадир. Шу боис, у барчамиздан, айниқса, ёшлардан фаоллик ва уюшқоқликни талаб этади. Ушбу жараёнда Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳам қузатувчи эмас, балки фаол иштирокчи бўлиши мақсадга мувофиқ.

Айти пайтда Ёшлар парламенти олдидан бир қатор муҳим вазифалар турибди. Жумладан, жамиятимизнинг ёшлар қатламига Конституциявий қонун лойиҳаси ҳамда референдумнинг зарурати, мазмун-моҳиятини кенг тушундириш, тарғиб ва ташвиқ қилиш лозим.

Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти айти пайтда бу борада бир қанча амалий тадбирларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Барча саъй-ҳаракатларимиз конституциявий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, бўлгуси референдумда ёшларимизнинг фаол ва уюшқоқлик билан иштирок этишига қаратилган.

БУГУННИНГ ГАПИ

ОРОЛГА ҚАЙТМОҚДА эркак чорлоқлар



Абдусайд КҶЧИМОВ

Бошланиши 1-бетда

Бу галги мулоқот аввалгиларидан бошқароқ бошланди. Тадбир аввалида 6 та янги корхона ишга тушириш маросими бўлди...

Президентимиз рамзий тугмани босди, янги корхоналар ишга тушди, қарсақлар янгради. Қарсақлар янграётганда Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 20 август куни Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида айтган бир сўзи эсимга тушди...

Президент бекорга айтган эмасди бу сўзларни. Қорақалпоқ халқи ўтмишини яхши билган, дарду ташвишларини дил-дилдан ҳис қилган одам айтиши мумкин эди бундай гапларни...

Кечмиши миллодан аввалги асрларга бориб тақалгучи бу халқ халқ бўлиб шакллангандан бошлаб қайғули дамларга юзма-юз келаверди: зўравонлар кутқусига учради, бир манзилда кўним тополмади, "қўча-қўч", "қоча-қоч" дейилмиш тахликалар остида умргузаронлик қилишга мажбур бўлди...

Замон ҳўрликларини қорақалпоқнинг улўғ шоири Бердақ бундай ифодалайди:

Золимлар тинеламас фақирнинг зорин, Улар ўйлар ўз фойдасин, ўз корин, Ҳеч қачон золимлар қўлдаги борин — Эп кўрмаслар бор бўлса-да, халқ учун.

Бир муддат Киев Руси даштлари, Волга-Урал ораликлари, кейин Иртиш соҳиллари омонат бошлана бўлди қорақалпоқларга. Ундан кейин Сариқамаш, Узбўй, Сайхўн бўйларидан кўн кечирган халқ, ниҳоят, ер юзининг ярмини айланб-айланиб, XVIII аср ўрталаридан, не-не машаққатлар билан яна Жайхўн соҳилларига қайтиб келди. Келди ота маконига. Бироқ кўч-кўчлар бўронидан неча минглаб ўғил-қизидан бевақт айрилган "қора бўркли"ларнинг мангалайига осойишта дамлар ҳали ёзилмаган экан: яна қув-қувлар, ҳайда-ҳайдалар, урушлар, қон тўкишлар... Гапирсанг тилинг, гапирмасанг дилинг қуяди. Чор Россияси истилоси ва шўролар замонида гоҳ Россия, гоҳ Қозоғистон таркибига ўтказиб-қайтарилган "қавми қўлоҳи сиях"лар, ниҳоят, Ўзбекистон билан бир давлат, бир мамлакат макомига эга бўлгандан кейингина азалий орузларига етди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳақ ўз ўзанига қайтди. Айниқса, кейинги 5-6 йил ичидаги ўзгаришлар, қурилаётган бири-бирдан кўркам уйлар, маданият-маърифат қошоналари, спорт мажмуалари, заводлар, фабрикалар, кўчалар, кўприклар, хиёбонлар, боғлар...

Ҳозир қарсақлар жанрлаб турган ушбу дақиқаларда, давлатимиз раҳбари қарсақлардан эмас, қорақалпоғистонликларнинг чехраю кўзларидан ўзи оруз қилган қувонч ёлқинларини кўраётганидан бахтиёр экани сезилиб тургандек эди, назаримда. Ахир, бундай муборак кунларга етиб келиш осон бўлдими?! Нега марталаб ташриф буюрди қорақалпоқ улқасига. Ана шу ташрифлар тўғриси қорақалпоқ диёрининг энг

олис овулларига янги ҳаёт кириб борди. Биргина Оролни, Мўйноқни бир нафас кўз олдингизга келтиринг. Қанчалар мушқул ва аянчли эди бу ерлардаги манзара. Аэропорт тўғул, ёлғизоёқ йўллар ҳам кўмилиб, йўқ бўлиб кетган Мўйноққа Тошкентдан кўтарилган биринчи рақамли борт, яъни Президент ўтирган самолёт 2022 йил 23 февраль куни келиб кўнди. Унғача Президентимизнинг ўзи икки марта — 2018 ва 2019 йилларда Мўйноққа борган, мўйноқлик ёшувчиларга, маҳалла раислари, ёшлар билан учрашган, суҳбатлашган, маслаҳатлашган ва ушунда "Маданият Оролдан бошланади", деган гоани илгари сурган эди. Ташриф чоғи Шавкат Мирзиёевнинг ўзи Орол денгизининг қуриган жойига бориб, вазиятни кўрди.

Бир пайтлар минг-минглаб одамлар фаровон ҳаёт кечирган, тонналаб балиқлар овланган, денгиз ва унга туташ дарёю яйловларда кўй-кўзилар ўтлаб юрган, қушлар сайроғи, ёшланларнинг куй-қўшиқлари жанрлаб турган манзилнинг бундай абгор аҳволини кўриш, унинг келажагини тасаввур қилиш қанчалар мушқул.

Президентимиз аҳволни теран баҳолаб, бу дахшатли муаммони оқилона ҳал қилишни ўйлади. Албатта, шу пайтгача ҳам мазкур фожиани тузатишга оид халқроқ режалар, илмий стратегиялар, турпи-туман жамгармалар бор эди. Оролни кўтқариш ташкилотлари фаолияти тўхтаган эмас, фақат натижа йўқ эди. Президент янги стратегия таклиф қилди. Муаммони ҳал қилиш учун Оролнинг қуриб қолган қисмига ўсимлик экиб, тузли, захарли тўзонни тўхташиб, унинг ўрнига яшил иқтисодиётни ташкил этишни илмий асослаб берди. Жаҳон ҳамжамияти бу фикрни инсоният тарихидаги донишмандликнинг яна бир ютуғи сифатида баҳолади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Оролбўйини одамларга риққ улашадиган, иш ва даромад манбаи бўладиган маконга айлантириш бошланди. Қорақалпоғистон туманлари муайян вилоятларга бириктирилди. Ўзбекистон оёққа қалқди. Ўзбекистон Орол бўйларини обод қилишга астойдил бел боғлади. Аввало, атрополи, ҳавони тозалаш, денгизнинг қуриган тўбидан кўтарилётган миллион-миллион тонна чанг ва захарли тузларни қамайтириш мақсадида шўрға чидамли ўсимликлар экишга киришилди. Эл бирикса, тонни талқон, чўлни бустон қилади. Орол соҳилларида ҳаёт қайнади, минглаб одамлар бел, кетмон кўтардилар, ўзлаб трактор гурил-лаб ер ҳайдади, самолётлар осмондан уруғ сепади. Аввалги 40 йиллар давомида Оролнинг қуриган тўбига бор-ўйга 400 минг гектар саксовул экилган бўлса, ана-мана дегунча денгизнинг суви қуриган 2 миллион гектардан ортққ қисмига саксовул, қорабўроқ, қандим, черкез қаби чўл ўсимликлари экилиб, тўқайзор барпо этилди.

Президент бу орда БМТ Бош Ассамблеяси сессияларида сўзга чиқди, халқроқ саммитларда муҳим таклифларни илгари сурди. Дунё аҳлини



яна ва яна Орол фожиаси ва унинг олдини олишга қаратди. Шу тарзда Орол муаммосига қарши курашда дунёдаги барча давлатлар биригилни ташкил қилган Траст фондага асос солинди. Халқнинг йўқолиб бораётган умидлари тикланди. Президентимизнинг яна бир ташаббуси билан Орол бўйининг флора ва фаунасини яхшилаш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилди.

Республиканинг бошқа туманларида ҳам ишлар бир нафас бўлса-да, тухтаган эмас. Бухоро вилояти табиркорлари Хўжайли, хоразмликлар Шуманай, самарқандликлар Нукус, сирдарёликлар Қонлиқўл туманларида боғлар, узумзорлар, ихчам иссиқхоналар ташкил қилди. Қолган туманларда ундан-да салмоқли лойиҳалар бажарилиди. Жумладан, қорамол, қўй ва эчки кўпайтириш, парранда, қувончилик ва асаларчиликни ривожлантириш ишга тушди. Бунинг учун хонадонларга қўй ва эчки, қўён ва асалари тарқатилди. Юз минглаб гектар майдонда "яшил қопламалар" барпо этилди. Бундай муҳим юмушлар ҳамон шиддат билан давом этмоқда.

Ҳар сафар Қорақалпоғистонга келганида мазкур масалага жиддий эътибор берадиган Президент бу сафар ҳам яна алоҳида тўхталиб ўтди:

— Биз битта эл ва битта юртимиз! Ҳамма вилоятлар Қорақалпоғистонни ривожлантиришга



ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган. Ҳар бир туманга вазирлар, вилоят ҳокимлари, идора ва банкарлар раҳбарлари бириктирилган. Бунинг натижаси барча туманларда кўриляпти ва бу ишлар тўхтамайди.

Президентимизнинг ҳозирги бахтиёр ҳолати яна бир манзарани — 2016 йил 10 ноябрь куни Шуманай туманида бўлиб ўтган сайловолди учрашувида айтган мана бу гапларини эсимга туширди: — Мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман. Бундан буюн ҳар бир туман ва шаҳарга, керак бўлса, чекка-чекка кишлоқ ва овулларгача кириб борамиз. У ерда истиқомат қилаётган одамларнинг дардини эшитамиз, муаммоларини ҳал қилишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқамиз ва ижросини қатъий назоратга оламиз.

Шундай ҳам бўлди. Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришишдан бошлаб Қорақалпоғистонга алоҳида эътибор қаратди. Қорақалпоқ диёрда бошланган ислохотларнинг барчаси доимий назоратга олингани боис, лойиҳалар изчил амалга оширилмоқда. Шу ўринда айрим фактларга эътибор берамиз. Қаранг, сўнги олти йилда ҳудудда 15 триллион сўм инвестиция ҳисобига 5 минг 300 дан зиёд

Қорақалпоғистонда ишсизлик муаммоси ҳал бўлмаётгани, ҳозир 72 минг расмий ишсиз борлиғи давлатимиз раҳбарини қаттиқ ташвишлантирди. Бунинг устига, ҳар йили 43 минг ёш меҳнат бозорига кириб келмоқда. Президент мана шуларни ҳисобга олиб, 193 минг иш ўрни яратиш ва Қорақалпоғистонни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш вазифасини қўйди.

Имгиллишдан сўнг Президентимиз Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрдан миллионларча тўтовликка бағишланган маданий тадбирда иштирок этди. Давлатимиз раҳбарининг бу тадбирда иштирок этиши ҳеч ҳам тасодифий эмасди. Шавкат Мирзиёев қорақалпоқ халқининг ўзига хос маданияти, гўзал адабиёти, рангин санъатига талабалик йилларидаёқ меҳр қўйганини кўп марта тилга олган, ташрифларининг бирида эса: "Ёшлиқда, талабалик даврида институтимизда ўтказилган турли тадбирлар, байрамларда қорақалпоғистонлик ёшлар жуда фаол қатнашар эдилар. Айниқса, Жиззах, Сирдарё вилоятларига пахта теримига чиққанимизда, ишдан кейин, кечқурунлари гулхан атрофида қорақалпоқ қизларимиз, йигитларимиз Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ каби шоирлардан шеър ўқиб, қўшиқ айтиб, рақсга тушганларида барчамиз қойил қолар эдик.

Мен ушунда "Бўзатов", "Айдинлар", "Дембермес" деган қорақалпоқ қўшиқларини биринчи марта эшитиб, ўзимни бамисоли сеҳрланиб қолгандек ҳис қилганимни ҳозир ҳам яхши эслаяман", дея ифтихор билан эътироф этган эди. Саҳнада Президент ёшлиғида суюб ардоқларан "Шағала", "Дембермес", "Нигарим" каби куй-қўшиқлар ижро этилди. Алишер Навоий, Бердақ, Махтумқули, Абай, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов ижодидан намуналар ўқилди.

Мамлакатимиздаги энг қадимий театрлардан бири бўлган, не-не истеъдодли санъаткорлар, театр аробларини камолга етказган ушбу маскандаги учрашув ва мулоқотларда давлатимиз раҳбари миллий шарқона кадрларимизни улўғловчи асарларни кўпроқ қўйиш, вилоятлар бўйлаб гастролларга чиқиб, ёшларни театрга қайтариш, маданиятни бойитиш муҳимлигини таъкидлади.

Учрашув ва мулоқотларда кекаса ёш — ҳамма ўлкада ҳаёт манзаралари бутунлай ўзгариб бораётганини гурур билан таъкидлади. Дарҳақиқат, кейинги йилларда Кўнғирот сода заводи, дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири бўлиши Устўрт газ-кимё

мажмуасининг кенг кўламда фаолият юрита бошлагани, Нукус халқроқ аэропортда амалга оширилган модернизация ишлари, қашиши қайта ишлаб, қурилиш материаллари тайёрлайдиган корхоналар кўпайиши, қизилмия плантациялари кенгайиб бораётгани, замонавий автоматлашган цемент, лак-бўёқ заводлари ишга туширилиши ва катта ҳажмли бошқа лойиҳалар кимни қувонтирмайди, ҳайратлантирмайди, дейсиз.

Агар Бердақ бобо ҳаёт бўлганида, бундай тарихий эврилишларни кўриб: Шоир эдим, кўзим кўраганин ёздим, Кўнғилмининг билганин, сезганин ёздим, Замон жафосидан сарғайдим, оздим, Келурми, деб яхши кунлар халқ учун,

деб қон-қон йиғламаган, аксинча, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсуповдек: Меҳнат деса, енг шимарган полвондай, Аравада тоғ келтир деб, келтирар, Дўстлик деса, юлдуз топиб олағандай, Оқ кўкраевин эзеуликка тўлдирар,

дея хайқирган бўлар эди.

Илло, ўтмишда кўп азоблар кўрган қорақалпоқ халқи юксалишининг баланд чўққилари томон дадил бораётди. Танти халқнинг келажи эса янада порлоқ. Барча соҳалар шундай ишоб билан ривожланиб бораётти, яна 5-10 йилдан кейин бу томонларга келган киши қорақалпоқликлар хонадонига қувонч ва бахт, Орол бўйларига қушлару чорлоқлар, Қизилқум чўлларига сайёҳлару тувақлоқлар, кўнларга ноёб балиқлар қайтмоқда.

Қанча-қанча асарлар ёзилди, кинолар яратилди, дostonлар тўқилди, қўшиқлар қуйлади бу эл, бу заман ҳақида ҳали. Мен ҳам мақолага симган туйғуларимни шеърда ифодалашга ҳаракат қилдим:

Гоҳ бахтли сингиб, балқди қуёшини, Жайхўнга сизгай гоҳ оқди кўз ёшини, Эҳ! Не-не гапларни кўрди бу бошини, Бирда шам, бирда чўғ, бирда қаққотим — қорақалпоғим.

Балки Авестодан қадимдир шонини, Номинг қорақалпоқ, туркийдир қонини, Тошдан-да қаттиқдир ҳар тилшам номини, Кўрдошим, элдошим, уруғ-аймоғим — қорақалпоғим.

Кимлардир қашқирдек таладилар хўп, Кимлардир қозонини яладилар хўп, Курашдини гоҳ ёлғиз, гоҳида тул-тўп, Кўкламага етолмай қуераган боғим — қорақалпоғим.

Кезиндини гоҳ Эдил, гоҳи Ёйқода, Ёшлар ҳужум қилди очқуз айқндай, Кунлари тўфонда қолган қайқндай, Бўронда, довулда улғайган тоғим — қорақалпоғим.

Ул қора кунларинг армондир энди, Сену мен — бир улўғ қарвонимиз энди, Жасур Юртбошимиз сарбондир энди, Овулим, боевурим, кўзим, қароғим — қорақалпоғим.

Оролга қайтмоқда эрка чорлоқлар, Ёшариб бормоқда кентлар, қишлоқлар, Устўртда порлаган ерқин чорлоқлар, Энди ўчмағайдир — ўчмас чироғим — қорақалпоғим.

Гулларга қўмилгай чўлларинг энди, Қуёшга қўмилгай йўлларинг энди, Юлдузга етайдир қўлларинг энди, Эй, меҳри бўлоғим, қалби қайноғим — қорақалпоғим.



# Замонавий кадастр тизими: Энди ҳар қарич ернинг аниқ тақлили ва ҳисоби бўлади

## РАҚАМЛАШТИРИШ

Яқин йилларгача кадастр тизими ислох қилишга энг муҳтож соҳалардан бири эди. Одамлар учун уй-жой, ер олиш бир масала бўлса, уни ҳужжатлаштириш ишлари ундан-да оғриқли масала бўлганини яхши эслашимиз. Югур-югур, коррупция, қозғозбозликларнинг энг авж нуқтаси ҳам шу тизимда бўларди. Ҳозир бу соҳа деярли тўлиқ рақамлаштирилди. Барча хизматлар Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали шаффоф, тезкор тарзда кўрсатиляпти. Асосийси, тизимда қозғозбозликка чек қўйилди.



Майдонлари энг замонавий технологиялар ёрдамида хатловдан ўтказилиб, Миллий геоахборот тизими (UZCAD) да ҳисобга олиш, дастур орқали рўйхатдан ўтказиш ҳамда электрон реестрини юритиш ишлари тизимли бормоқда. Ҳозирги вақтга қадар Транспорт вазирилик билан ҳамкорликда мавжуд автомобиль йўллари, яъни халқаро аҳамиятга молик, маҳаллий, ички ва магистрал йўллари ҳисобга олиш ишлари амалга оширилиб, 46,2 минг гектар ер майдонига эга 42 минг километрга яқин автомобиль йўллари миллий географик ахборот тизимларига киритилди.

— Рўйхатга олиш ишлари барча соҳалардаги ер майдонларида амалга оширилмоқда, — дейди М.Валиев. — Масалан, сув ҳўжалиги вазирлигига тегишли 827 минг гектардан ортиқ сув ҳўжалиги объектлари мавжуд. 2022 йил давомида 337,5 минг гектар ер майдонидан сув объектларини ҳисобга олиш, давлат рўйхатидан ўтказилган. Бироқ шу пайтгача қолган майдонларда сув омборлари, насослар, коллектор ва бошқа сув объектларига тегишли ер майдони борлиги аниқланмаган, яъни рўйхатга олинмаган. Ваҳоланки, мамлакатимиздаги ҳар қарич ернинг аниқ тақлили, улар қайси йўналишларга тегишли экани ва бошқа ҳисоб-китоблар бўйича маълумотларга эга бўлишимиз керак. Бу давлатнинг аниқ харитасини яратиш, ер майдонларидан тўғри ва оқилана фойдаланишда жуда зарур. Шу боис, ерни рўйхатга олиш ишлари соҳада сўнги йилларда бошланган энг катта ҳаракатлардан бири ҳисобланади.

Юртимиз бўйича жами ер майдонлари 44,9 миллион гектарни ташкил этади. Улардан фойдаланиш мақсади ва тартибига кўра, бир қанча тоифа — қишлоқ ҳўжалиги, саноат, транспорт, алоқа, мўдифага, табиатни муҳофазга қилиш, соғломлаштириш, рекреация ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар, аҳоли пунктлари ери, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларга бўлинади. Ушбу тоифалар бўйича ер эгалари ва ердан фойдала-

майдони 26 миллион 232,3 минг гектардан иборат. Шунинг учун рўйхатдан ўтказишнинг дастлабки босқичи қишлоқ ҳўжалиги ерларидан бошланди.

2021 йил 1 майдан Ўзбекистон тарихида илк бор қишлоқ ҳўжалиги ерларини рўйхатдан ўтказиш тизими йўлга қўйилди. Жараён Жаҳон банкининг қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида ишлаб чиқилган Кадастр ва кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими орқали амалга оширилди. Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси мутахассислари томонидан хатлов натижалари электрон рўйхатдан ўтказилди. Бугун ана шу ерларнинг тўлиқ электрон хариталари яратилиб, давлат рўйхатидан ўтказишга эришилгани катта ютуқлардан бири. Энди бу ерларнинг доимий ҳисоб-китоби юритилиб, ўзгаришларни ўз вақтида киритиб бориш кифоя.

Жараён энг замонавий усул ва технологиялар асосида олиб боришмоқда. Аввалгидек ҳар қарич ерни жойида ўлчаб, қозғозларда қайд этиш ўзини оқламайди. Бугун катта ҳажмдаги ер майдонлари дронлар ёрдамида ўлчаниб, электрон тизимлар орқали рўйхатга олинапти. Қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги ерлардан фойдаланувчиларнинг ер майдонлари махсус ишлаб чиқилган ахборот тизими орқали рўйхатдан ўтказилган бўлса, ер майдонлари ҳақидаги графика маълумотлар UzKAD дастурига жойлаб борилган.

Демак, лойиҳада асосий кўмакчи UzKAD дастури бўлган. У географик маълумотларни тўплаш, тартибга солиш, бошқариш, тақлил қилиш, алмишар ва тарқатиш имконини берувчи тўлиқ тизимдир. Ушбу тизим кадастр қайдлари, кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги геофазовий, кадастр ва рўйхатдан ўт-

(эгаллик қилиш), ижара ва мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳўқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишга доир маъмурий регламент тасдиқланди.

— Бу нима дегани? Шу кунгача фуқароларга тегишли уй-жойлар жойлашган ер участкалари, мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаллик қилиш ҳўқуқидаги ерлар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган нотураж жой объектларининг ер участкаларига доимий фойдаланиш ҳўқуқи берилар эди, — дейди М.Валиев. — Яъни бино сизники бўлса ҳам ер участкаси давлатга тегишли бўлган. Давлат фуқароларга ер участкасини фойдаланиш, эгаллик қилиш учун ёки ижарага берган. Шу боис, кўпчилик ер участкаси давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мумкинлиги ёки истаган вақтда ер майдони «снос»га туширидан хавотирланиб яшайди. Янги регламентга кўра, ер участкаси мулк ҳўқуқи асосида сотилиши белгиланди. Бу, энг аввало, фуқаронинг ер участкасига бўлган мулкчилик ҳўқуқини кафолатлайди. Яъни ҳовлиси жойлашган ер майдони ҳам ўй эгасининг ўзига тегишли бўлади. Энди ундан ерни давлат олмақчи бўлса, фақат бозор нарҳида сотиб олиш мумкин. Аммо ер участкасини хусусийлаштириш мутлақо ихтиёр бўлиб, бунинг учун фуқарони мажбурлаш қонунан тақиқланади.

Қонунчиликда шу вақтгача ер участкасига нисбатан мулк ҳўқуқи бўлмаган. Яъни тизим сўнги йилларда юртимизда ер соҳасидаги ислохотларнинг самараси. Энди одамлар нафақат ҳовли-жой, балки ер участкасининг ҳам қонуний мулкдорига айланади. Бу ер эгаллик қилиш истаган ҳар қандай киши ана шу мулкдор билан ҳисоблашади. Асосийси, хусусий мулк дахлсизлиги қонуний ҳимояланади.



зиш маълумотларини яратиш, янгилаш ва бошқариш учун мўлжалланган. Дастур тез-тез янгилаб бориш қийин бўлган қозғоз шаклидаги маълумотлардан воз кечиш имконини беради.

Қолаверса, тизим жуда кўп графикли ва мавзули маълумотлар базасига эга, моделли ва ҳисобли функциялар билан бирлашган, фазовий маълумотларни картографик шаклга айлантириш, турли хўқуқлар чиқариш ва мониторинг қилиш сингари қўлайликлар билан бойитилган. Мазкур шаффоф тизим қонунбузарликларнинг олдини олиб, аҳолига тезкор кадастр хизматлари кўрсатишга ҳам йўл очди. Шакллантирилган рўйхат барча учун очиқ бўлиб, исталган одам геопортал орқали кўчмас мулк жойлашган вилоят, туман ёки шаҳар номи, кадастр рақами, давлат рўйхатидан ўтган сана, ҳўжжат ва амалдаги ер майдони каби маълумотларни очиқ ва шаффоф қилиш мумкин.

Қишлоқ ҳўжалиги ерларини давлат рўйхатидан ўтказиш нафақат маълумотлар базасини шакллантириш, балки англашилмовчилик туфайли ердан фойдаланувчиларнинг ортқича солиқ тўлаши ёки ердан ноқонуний фойдаланиш каби ҳўқуқларнинг ҳам олдини олади. Ерлари ҳўжжатлаштирилиб, ижара шартномалари тузилиб, ер майдонининг карталари чизилган фуқаролар уни олиб қўйишларидан хавотир олмас ҳам бўлади.

Хатлов жараёнида соҳада яна бир катта, аҳоли учун ниҳоятда қўлай бўлган янгилик — юртимизда жисмоний ва юридик шахслар ўзларининг ер участкаларини хусусийлаштириш мумкинлигига оид қонун ва ҳўкумат қарори кўчга кирди. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 февралдаги қарори билан эса Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларига доимий фойдаланиш

бўлса, фақат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Шунингдек, ердан ихтиёрли воз кечишни ҳўкумат ёки ҳўқимлик қарорлари билан расмийлаштириш ҳам бекор қилинди.

Умуман, жамиятда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш инсон ҳўқуқи ва манфаатларини ҳимоялашнинг бош омилидир. Бу Бош қонунимизда ҳам, қатор ҳўқуқий асослар билан ҳам белгилаб қўйилган. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 65-моддасида бундай дейилади: “Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳўқуқлардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳўлда маҳрум этилиши мумкин эмас”.

Кадастр тизимида ана шу масалага катта эътибор қаратилиб, бу борада одамларни сарсон қилмаслик, барча хизматларни замонавий ахборот тизимлари орқали амалга ошириш кўламини кенгайтиришга интиляётганлари боиси ҳам шунда. Соҳада ийрик доимий хотирага эга (1 100 терабайт) маълумотлар маркази ишга туширилгани бу борадаги катта қадамлардан бири, дейиш мумкин. Утган йиллар давомида UzKAD дастурида онлайн геопортал тизими ишга туширилиб, маълумот олиш имконияти яратилди. Давлат солиқ қўмитаси ҳамда “Электрон ҳўкумат” тизими идораларо интеграциялашув платформасига кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни электрон равишда интеграция йўли орқали (онлайн) тақдим этиб борилиши йўлга қўйилди.

— Мақсадимиз юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат идораларига бормасдан, масофадан туриб кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги маълумотлар, кадастр хизматларидан фойдаланиш имкониятларини оширишдан иборат, — дейди М.Валиев. — Бу вазифаларни уюлалаяпти, деб айта оламиз. Натижаларни қатор омишларда кўриш мумкин. Тизимда қозғозбозликка чек қўйилганидан тортиб, фуқаро ва тадбиркорларга кўрсатиляётган кадастр хизматлари муддати аввалги 15-20 кўндан ҳозирги 1-2 кўнга қадар қисқаргани, сифат эса анча яхшиланигани сўзимизнинг амалий исботи бўла олади. Аҳолининг қўллаб, соатлаб кадастр хизматини қўйишлари ва навабатда туришларига бора ҳам берилди.

Мамлакатимизда охириги йилларда мулкдорлар сони ошиб борапти. Бу нафақат моддий фаровонлик, балки ушбу йўналишда уларнинг қонуний ҳўқуқлари таъминланиши, мулкни хусусийлаштириш ишлари анча соддалашгани билан ҳам боғлиқ. Агар рақамларга юзланмадиган бўлса, утган йили кўчмас мулк базасидаги объектлар сони 8 миллион 184 минг 5 тани ташкил қилди. Кўрсаткич аввалги йиллардагидан 218 минг 351 тага ўсган. Кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича олданда, 2022 йилда Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 1 миллион 27 минг 188 та арiza келиб тушган ва бу олдинги йилдагидан 386 мингтага ошган.

Албатта, рақамли технологиялар имкониятлари бундан-да кўпроқ натижаларга етаклайди. Мамлакатимизда жорий йил 1 январдан бошлаб Кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими — UzKAD кўчмас мулк объектларига бўлган ҳўқуқларнинг давлат реестри ҳамда унга оид маълумотлар юритиладиган, маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги давлат томонидан кафолатланган ягона ахборот тизими сифатида қабул қилинди. Бу лойиҳани фаол амалга ошириш орқали кадастр файллари ва кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқлар реестрларидаги маълумотларни қозғоздан электрон шаклга тўлиқ ўтириш қўзланган. Қолаверса, тармок мутахассислари олданда “Электрон ҳўкумат” тизимининг базавий майдончасида кўчмас мулк объектлари бўйича маълумотлар базасини яратиш каби мақсадлар ҳам турибди.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмининг камиди 2,5 баравар ошириш белгиланган. Бу вазифалар жорий йил Президентимиз фармони билан қабул қилинган давлат дастури асосида фаол амалга оширилди. Кадастр тизимида рақамлаштириш кўламини ошириш ҳам ана шу жараёнларнинг бири қисми. Демак, соҳада қўйилган катта ўзгаришлар, янгиликлар ҳали олдинда.

Ирода ТОШМАТОВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

фойдаланиш мулк эгасининг ихтиёрида. Фойдаланишдаги фарқларга келса, кадастр паспорти, аввало, электрон карта экани билан афзалликка эга. Бу дегани, картада кадастр соҳасидаги электрон хизматлардан фойдаланиш имконияти юқориқ. Қолаверса, ички қисмига NFS-смарт чип ўрнатилган мазкур карта эски услубдаги кадастр ҳўжжатидаги барча маълумотларни ўз ичига олиш билан бирга, интерактив давлат хизматларининг ягона порталига уланши имконига эга. Картанинг ташиқ қисмига эса эгасининг шахсини тасдиқловчи маълумотлар ҳамда QR-код жойлаштирилган. Келгусида банклар билан ҳамкорликда мазкур картага пул маблағини сақловчи ва уларни нақд пул қўринишида олиш имконини берувчи кеш тизимини ўрнатишни режалаштирганмиз.

Яъни бу борадаги ишлар жараёни давомида тақомиллашиб бораверади. Масалан, кадастр паспортини шакллантириш муддатини олайдиган бўлса, дастлабки даврга нисбатан вақт оралиғи сезиларли қисқарган. Охириги икки йилда фуқароларнинг кадастр йўлга жўлдани тейёрлашга кетадиган вақт сарфи 4-20 кунгача қисқаришига эришилди. Белгиланган муддатнинг бузилиш ҳўлатлари эса 6 баробар яхшиланиганини кўришимиз мумкин.

Суриштирувларимизга кўра, ҳозирги вақтда одамларнинг замонавий, электрон қўрилмалардан фойдаланишга бўлган талаби юқори. Чунки улар ўзида бир қанча тезкор хизматларни жамлаб, вақтни анча тежайди. Кадастр паспорти ҳам шундай. Утган йилнинг ўзида кадастр паспортини шакллантириш бўйича Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 800 мингдан ортиқ арiza келиб тушган, уларнинг қарийб 560 мингта-си ижобий ҳал этилган.

## Ер участкаси ҳам хусусий мулкка айланмоқда

Кадастр соҳасида битта олтин қоида бор — ҳар нарсанинг, яъни ер майдонларидан тортиб хусусий объектларга,



барининг аниқ ҳисоб-китоби, рўйхати бўлиши керак. Аслини олганда, аҳолининг талаби ҳам шундай. Аниқ маълумотларга асосланган электрон рўйхат одамларни ортқича сарсон қилмайди, бошқа тармоқлардаги маълумот алмишувларида ҳам қўл келади.

Шу боис, соҳага рақамли иқтисодиётни фаол жорий этишнинг дастлабки даврларидеяқ ҳар қарич ер майдони, давлат ва хусусий мулкни рўйхатдан ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. Бугунги кунда ер

нужиларнинг ер майдонлари, чизмаси ер чегазраси электрон ахборот тизимига киритилиб, ҳисобга олинган ҳўлда давлат рўйхатидан ўтказиб келинмоқда. Бугунча қадар жами ер майдонларининг 43,1 миллион гектари ёки 96 фоизининг электрон харитаси яратилиб, шундан 40,3 миллион гектари давлат рўйхатидан ўтказилди.

Мутахассиснинг айтишича, ер майдонларининг энг катта қисми қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисса-си тўғри юборилди. Бугунги кунда ер

## Янги намунада кадастр паспорти

Чиндан ҳам, электрон карта кўринишидаги кадастр паспортини юртимиз шароитида янгилик дейиш мумкин. Нафақат юртимиз, балки Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда янги намунадаги кадастр паспорти жорий этилди. Қўллаб қўлайликларга эга смарт карта 2020 йил 1 мартдан бошлаб татбиқ этилмоқда. Дастлабки босқичда Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида тажриба қилинди. Кейинчалик мамлакатимизнинг барча ҳўдудларида қўлланила бошлади. Бугунги кунга қадар юртимизда жами 1 миллион 466 минг 27 кадастр паспорти расмийлаштирилиб, фуқароларнинг ушбу картадан фойдаланиш кўламини йил сайин ошиб борапти.

— Кадастр паспорти ҳўқуқ эгасига бериладиган ҳамда кўчмас мулк объекти ва объектнинг кадастр рақами ҳақида умумий маълумотларни ўз ичига олган пластик ёки қозғоз шаклидаги электрон ҳўжжатдир, — дейди Моҳир Валиев. — У кўчмас мулк объекти давлат томонидан ҳисобга олинганини тасдиқловчи асос. Кўчмас мулк объектини ҳатловдан ўтказишда унга кадастр йўлга жўлд шакллантирилади ва кўчмас мулк эгасига кадастр паспорти тақдим этилади.

Кўпчилик кадастр паспортининг олдига қозғоз шаклидаги ҳўжжат билан фарқиға қизиқиб, уларнинг нархи борасида катта тафовут бор, деб ўйлайди. Аммо кадастр паспортининг нархи қозғоз кўринишидаги кадастр ҳўжжати учун тўловлар нархи билан тенг бўлиб, уларнинг қай биридан

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz\_official

yuz\_uz\_news

ТУРИЗМ



Абдурауф ҚОРЖОВОВ, "Янги Ўзбекистон"нинг махсус мухбири

Қадимий эртаклар олами, тарихий обидалар дунёсида бўлишни истайсизми? Самарқанднинг кўҳна қоғозлари, Шахрисабз каштачилиги, Бухоро зардўзлиги, Риштон кулоллиги билан танишишни, қўлигул усталарнинг ёғоч ўймакорлиги, пичоқ ясаш, заргарлик, гилам тўқиш санъати бўйича маҳорат дарси олиш ниятингиз борми? Қорақалпоқ ўтовидида ёки Чорсу бозоридида бўлишни, кўкка бўй чўзаётган дараклар, кўм-кўк майсалар йўлиғига тўйинган, хузурбахш шамолда жилваланаётган зангор қўлда Италия ва Хитой кемаларида сайр қилишни ихтиёр этарсиз? Унда, албатта, "Боқий шаҳар"га боринг.



УЛУҒВОР ЗАМИНИНГ БЕҚИЁС ЖОЗИБАСИ

"Буюк ипак йўли" сайёҳлик марказининг бугунги манзараларига чизгилар

Президентимиз эътироф этганидек, "Бу ерга қадам қўйган инсон нафақат қадимий Самарқанд бағрида, балки бутун Ўзбекистон заминида юргандек бўлади, унинг бор улугворлиги ва беқиёс жозибасини ҳис этади".

200 гектардан ортиқ жой уч-тўрт йил ичида шундай кўркем масканга айланади, янги бир шаҳарча пайдо бўлади, деганда ишонқирамай қараганлар ҳам бўлган, — дейди "Буюк ипак йўли" сайёҳлик маркази бош директори Уктам Пардаев. — Бугун мана шундай катта майдонда янги шаҳарча қад ростлади. Қисқа вақтда унинг қурилиши улуг аждоқларимиз бунёд этган мухташам меъморий обидаларга ҳамоҳанглиги билан ҳам эътиборни тортади. Уларда кўҳна тарих билан замонавий ҳаёт нафаси уйғунлик касб этган. Шу боис, тез фурсатда марказ Самарқанднинг ўзига ҳос ташриф қозонига, дунёга очилаётган юртимизнинг янги дарвозасига айланади.

Унинг айтишича, тут дарахтидан қозғ тайёрлаш техникаси Самарқанддан бундан бир ярим минг йил олдин пайдо бўлган. Бугунги кунда бу услуб Кониғул қишлоғидаги хунарманд усталар томонидан қайта тикланди ва туризм масканининг сайёҳларни мафтун этадиган ноёб устaxonасига айланади.

Уста хунарманд юртимизнинг қўллаб маърифатларидаги, шу жумладан, Самарқанддаги барча осори атиқаларнинг чангини артган, десак мулобага бўлмайди. Боиси, ўзининг қирқ беш йиллик меҳнат фаолияти давомида тарихий обидаларнинг пештоқ ва деворларидидаги ёзувларни ўқиб, тарҳми қилишда ва уларга янгидан ҳаёт бағишлашда, яъни таъмирлашда иштирок этиб келяпти.

Устозимиз тўққиз йил давомида қадимий Самарқанд қозғига 4 нусха, ҳар бири 302 варақдан иборат бўлган Қуръонни қуфий, сулс ва насх хатларида

оилавий ҳордик чиқаришлари учун ҳам шароитлар яратилган. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 24 декабрдаги "Самарқанд вилоятининг туризм ва транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, вилоятни "Самарқанд — Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси" концепцияси асосида ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори халқро туризмни ривожлантиришга кенг йўл очди. Айниқса, янгидан барпо этилган ва дунёдаги замонавий кўналгалардан ҳисобланган Самарқанд халқро аэропорти қисқа муддатда қатор давлатларга авиақатновлар очгани фикримиз далилидир. Утган йили ушбу аэропорт "Беҳинчи осмон" режимида ишлашига ўтгани ҳисобига, ҳафталик авиақатновлар сони 46 тадан 78 тага, йўловчи оқими эса 6,5 мингдан 10 минг нафарга кўпайди.

Фақат бугина эмас. Пайриқ, Самарқанд ва Тайлоқ туманларида меҳмонхона, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматлари курсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этилиши нафақат халқро, балки ички сайёҳликни ривожлантиришда ҳам бағоят кўл келади.

2023 йилда Самарқанд шаҳрида "Aviation & Logistics Forum" II халқро авиация форуми ўтказилиши режалаштирилган. Ана шундай анжуманлар доирасида Буюк ипак йўли туристик маркази ҳудудида музейлар, галерея, маданий-томоша ҳамда маданий-маърифий ташкилотлар, сайёҳларни жалб қиладиган бир қатор кўнгилочар масканларни яратиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Мамлакатимиз туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш юзасидан Президентимиз раислигида 11 июль 29 март куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Самарқандда янги туризм маркази барпо этилгани қўшимча 2 миллион сайёҳ жалб қилиш имконини бергани, юртимизда Жаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеяси йиғилишини ўтказишга катта тайёргарлик қўрилаётгани, Самарқанд 2023 йилги Жаҳон туризм пойтахти мақомини олгани ҳам бу борадаги ишларнинг юқори натижаларидан бири экани эътироф этилди.

Олдинда турган вазибалар кўлами эса янада катта. Зеро, йиғилишда ҳам жорий йилда 7 миллион хорижий ва 15 миллион ички сайёҳ жалб қилиш, экспортни 2,5 миллиард долларга етказиш устида аниқ режа ва мажбурият билан ишлаш шартлиги кўрсатиб ўтилди.

ТАЪЛИМ



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКДАГИ ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

Мадамин МАДАЗИМОВ, Андижон давлат тиббиёт институти ректори, профессор

Андижон давлат тиббиёт институти хозирга қадар 59 та нуфузли хорижий тиббиёт университет ва институти билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Шу боис, олий таълим муассасасида чет эллик талабалар сони йилдан-йилга ортиб борапти. Аини кунда институтида 11 та давлатдан 446 нафар талаба-ёш таҳсил олмақда.



Бу бежиз эмас. Президентимизнинг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мувофиқ, ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиши, ўқув жараёнига халқро таълим стандартлари асосланган илгор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий ишланмаларни кенг жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, педагоглар учун маҳорат дарслари ўтказиш, малака ошириш курслари хориждан юқори малакали ўқитувчи ва олимларни жалб қилиш асосида магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларнинг салоҳиятини ошириш, қайта тайёрлаш ишлари таълим сифатини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Шу кунга қадар бу йўналишда 137 нафар профессор-ўқитувчимиз хорижий ОТМ ва тиббиёт марказларида малака ошириш имкониятига эга бўлди. Уларнинг 8 нафари Германиядаги Кельн университети клиникаси, Россиянинг В.И.Куланов номидаги акушерлик, гинекология ва перинатология илмий текшириш институти ҳамда Хитойнинг "College of Agronomy and Biotechnology of Southwest University"га ва Словакиянинг Кошице университетларида малака ошириб кайтди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан, институтида 3 нафар профессор-ўқитувчиси Олмаота шаҳрида ўтказилган "ОТМларни тақши акредитациядан ўтказиш тартиб-қоидалари" бўйича ўқув курсида, шунингдек, "Таълим ва соғлиқни сақлаш сифатини акредитациядан ўтказиш ҳамда таъминлаш Евроосиё маркази"да ўқув-семинарда қатнашиб, малака оширди. 213 нафар хорижий профессор-ўқитувчи бевосита ўқув жараёнига жалб этилиб, талабалар, магистр ва шифокорлар учун ўқув машғулотлари ҳамда семинар-тренинг ва маҳорат дарслари ўтказди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси хориждан ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижроси доирасида институтига соат-ба-соат 7 нафар хорижий профессор-ўқитувчи жалб этилган.

Институтида республика ОТМлари ичида биринчи бўлиб Россия Кардиохирургия маркази билан онлайн "Телекурлик" асосида ишлаб келмоқда. Шу мақсадда "Телемедицина" маркази ташкил қилинган. Бугунга қадар бу йўналишда 209 мартаба масофавий видеомаъруза ўтказилиб, кардиохирургия соҳасида амалга оширилаётган ангиоликлар, амалий ишлар юзасидан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Республикада биринчилар қаторида масофавий халқро онлайн малака ошириш курслари ташкил этилди. Хозирга қадар 171 нафар педагог-ҳодим йўналишга бўйича халқро сертификатга эга бўлди. Шунингдек, саксонга яқин талаба, магистр ва клиник ординаторлар халқро ва фан олимпиадалари, амалиёт ўқув курслари, "Эрасмус+Талабалар мобиллиги" дастури, халқро конференциялар ҳамда "Талабалар алмашинуви" дастурларида қатнашиб келмоқда.

Германияда малака оширишда

Ҳамкорлик алоқалари ҳақида гап кетганда, Германиянинг Бремен университети билан олиб борилаётган ишлар

эътиборни тортади. Бугунга қадар бир гуруҳ талаба ва профессор-ўқитувчиларимиз Европада ўқув ва академик мобиллик дастури бўйича сафарда бўлиб, Европа, хусусан, Германия стандартлари асосида амалиёт ўтаб, билим ва кўникмаларга эга бўлди.

2019-2020 йиллар мобайнида институтида 2 та халқро илмий-амалий лойиҳани амалга оширди. Германия халқро ҳамкорлик ташкилоти (ГИЗ) кўмаги ва қўллаб-қувватлаши билан лойиҳа қиймати 130 минг долларга тенг бўлган Киспород генератори (цехи) АДТИ клиникасига ўрнатилди. Бу клиниканинг соф тиббий киспородга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаш имкониятини берди. Ушбу ташкилот билан ҳамкорликда "Эндохирургия" маркази ташкил этилди. Университетнинг етакчи мутахассислари билан ўқув, малака ошириш ва қайта тайёрлов курслари йўлга қўйилмоқда. Хусусан, Ростов университети билан магистратура йўналишида "Тиббиёт биотехнологиялари" бўйича қўша таълим фаолияти йўлга қўйилиб, жорий ўқув йилида илк талабалар ўқишга қабул қилинади.

Замонавий тиббиётда трансплантация ва сунъий аъзолардан самарали фойдаланиш борасидаги иш кўлами ҳам кенгаймоқда. Соҳа ривож йўлида амалга оширилаётган янги лойиҳа ва амалий иш таҳрибалар малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш, назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш имкониятини беради. Шу мақсадда бир гуруҳ мутахассисларимиз Москва шаҳридаги Академик В.И.Шумаков номидаги "Трансплантология ва сунъий аъзолар" илмий тиббиёт марказида малака ошириб кайтди. Марказ директори академик С.Готье билан тиббиёт соҳасида трансплантация жараёнларини кенгайтириш, мутахассислар алмашинувини янада ривожлантириш билан боғлиқ қатор келишувларга эришди.

Утган йили М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетиде бўлиб ўтган "Тиббиётда симуляцион таълим: тажриба, ривожланиш, инновациялар. РОСОМЕД-2022" халқро конференция ва РОСОМЕДнинг XI съезиде қатнашдим. У ердаги маъруза ва маҳорат дарсларидан сўнг, Россиядаги қўллаб нуфузли тиббиёт муассасалари, қатор танқидий мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб бориш, тажриба алмашиш доирасида музокаралар ўтказдик. А.В.Вишневский номидаги хирургия миллий-илмий тадқиқот маркази билан имзоланган икки томонлама келишувга асосан "Йул харитаси" доирасида истиқбол режалари белгилаб олинди. Шу билан бирга, 2022 йил октябр ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Таълим, ишлаб чиқариш ва илмий самарадорликни бошқариш" мавзусида III Ўзбекистон — Россия таълим форуми доирасида институтида Россиядаги қатор олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ўқув ва илмий ишлар йўналишларида тажриба алмашинувини ривожлантириш бўйича манфаатли келишувларга эришди.

Андижон давлат тиббиёт институти ва Урал федерал университети "Биомедицинадаги нанотехнологиялар" мавзусида ўтказилган халқро илмий-амалий анжуман доирасида ўзаро ҳамкорлик шартномасини имзолади. Унинг асосий мақсади курсантлар ҳамда талабаларга, педагог-ўқитувчиларга семинар (вебинар) дарслар ўтиш. Фақат амалий машғулотлар эмас, балки илмий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш асосий ўринни эгаллади. Яъни касалликларни

нафақат клиницист нуқтаи назаридан, балки экспериментал мутохассис текшириш йўли билан исботлаш, клиницист ва экспериментал ўзаро ҳамкорлиги янада кўпроқ фойда беришига келишиб олинди. Бундан ташқари, УФУ томонидан худудларимизда ўсадиган доривор ўсимликлар таркибини аниқлаш, қўшимча моддалар билан бойитиш йўли орқали янги биологик фаол доривор препаратлар яратиш кўзда тутилмоқда.

Акушерлик ва гинекология соҳасида ҳам қатор келишувлар амалга оширилди. Бундай амалий ҳамкорлик алоқалари Беларусь, қўшни Қирғизистон ва Доғистон республикасидаги нуфузли тиббиёт муассасалари билан ҳам йўлга қўйилди. Доғистон давлат тиббиёт университети билан институтида ўртасида стоматология йўналишида ташкил этилган ҳамкорлик натижасида ўқитувчи ва талабалар ўзаро амалиёт ва тажриба алмашмоқда.

2022 йилнинг март ойида Андижон давлат тиббиёт институти асосий ўқув базасига Жанубий Корея давлат транспорт университети билан "Парамедицина" йўналиши бўйича қўша таълим дастури асосида факультет очиб бўйича меморандум имзоланди. Бу нафақат қўша таълим, балки тиббиётнинг биотехнология йўналишини янада ривожлантириш, икки давлат ўртасида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш, талаба ва институт профессор-ўқитувчилари малака ошириш алмашинуви лойиҳаларини ўз ичига олгани билан катта аҳамиятга эга.

Институтида билан Туркиянинг Ҳасетепе ҳамда Эге университетлари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Уни янада мустаҳкамлаш мақсадида қўша илмий симпозиумлар ўтказиш, академик ва талабалар мобиллиги ривожлантириш бўйича келишувлар амалга оширилмоқда. Туркиянинг "Альфа Омега мед" ташкилоти билан ҳамкорлик алоқаси ўрнатилди. Бунда юрак, жигар, буйрак трансплантацияси соҳаларида мутахассислар алмашинувини йўлга қўйиш, назарий билимларни амалиёт билан мустаҳкамлаш учун шароит яратиш, маҳорат дарслари ва тренинглари бошқича-бошқича ўтказиш юзасидан манфаатли меморандум имзоланди.

Халқро ёзги мактаб

Андижон давлат тиббиёт институти да республикада биринчилардан бўлиб "Халқро ёзги мактаб" ташкил этилди. 2019 йил Россия, Беларусь, Қозғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг етакчи тиббиёт университетларидан 12 нафар талаба қатнашган бўлса, 2022 йилда 17 нафар талаба ёзги мактабдаги ўқув-амалий машғулотларда фаол иштирок этди.

Бу ерда талабалар ўқув йили давомида ўзлаштирган назарий билимларини амалий машғулотлар доирасида мустаҳкамлаш ва турли вазиятларда ўзларини йўқотмай беморга ёрдам бера олиш кўникмасига эга бўлди. Ёзги мактабдаги фаолияти ва берилган вазифалар ижросини профессор-ўқитувчилар доимий назорат қилиб, баҳолаб борди. Мутахассислар томонидан Бирламчи ва кенгайтирилган юрак ўткир реанимацияси бўйича маъруза ва интерактив амалий тренинг машғулотлари ўтказилиб, дарслар қизиқарили ва интерфаол усуллари бой тарзда ташкил қилинди. Мазкур жараёни янада жонли, амалий мулоқотларга бой қилиш мақсадида олис ва яқин худудларда машғулотлар ўтказишга эътибор берилмоқда. Лойиҳани келгуси йилларда ҳам давом эттириш мақсадида бор. Боиси, амалий машғулотларга бой мактаблар талабаларимизга соҳани янада мукаммал даражада эгаллаш ва кутилмаган вазиятларда эркин ҳаракат қили олиш имкониятини беради.

Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўлида олиб борилаётган ишловлар "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да янада ривожланади. 2023-2024 ўқув йили Жанубий Корея Миллий транспорт университети билан АДТИ қошида "Парамедицина" йўналиши бўйича қўша таълим дастурини йўлга қўйиш, Хитойдаги Шангонг биринчи тиббиёт университети ҳамкорлигида "Стоматология" қўша таълим йўналишини амалга ошириш, Германиянинг Ростов университети билан "Тиббиёт биотехнологияси" магистратура (1+1) мутахассислиги бўйича шартномага асосан тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

ЖАДИДЛАР

БУЛУТ ОСТИДА ҚОЛГАН қўёғи тафти

ёхуд жақид мунаққиди Вадул Маҳмуднинг қувонч ва изтироблари

Баҳодир КАРИМ, филологик фанлари доктори, профессор



ўз шахсиятини, инсоний қиёфасини сақлаб, омон чиқа олиши мумкин эди. Вадул Маҳмуд қамқондан қайтиб келгач, то умрининг охирига қадар Тожикистон Республикаси Фанлар академиясининг Рудакий номлидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб хизмат қилади.

Вадул Маҳмуднинг ижодий-амалий фаолияти ниҳоятда ранг-баранг. У ўтган асрнинг 20-йилларида маориф соҳасида ишлади, анкироғи, Самарқанд вилояти маориф бўлими мудири бўлиб хизмат қилади, ҳар доим унинг қалбини бола тарбияси, мактабларнинг оғир аҳоли, маориф ишларидаги бошбошдоқлик каби муаммолар безовта қиладди.


Мактабларда аҳвол мақоласида муаллиф 20-йиллар бошидаги таълим ва тарбия тизимининг ночорлиги, муайян тартиб-интизомга тушмагани, ўқитувчиларнинг ўз ишига масъулиятсизлиги, ўқувчи мактабдан бирорта фойда ола билмаслигини танқид қилади.

Вадул Маҳмуд 1897 йили Самарқандда зиёли-руҳоний оиласида туғилди. Вадул беш ёшга етганда отаси оламдан кўз юмади. Унинг онаси шаҳар чеккасида жойлашган Ражабамин қишлоғидан бўлиб, ёш Вадулга ота шаҳри ҳам, она қишлоғи ҳам бирдай азиз эди. Бирок унинг болалиги, асосан, ражабаминлик муаллими Абдуқодир Шакуррий оиласида ўтади.

Туркистон ўлкасида биринчилар қаторида усули жаҳид мактаби очган шахслардан бири Абдуқодир Шакуррийдир. Унинг мактаби эски усулдаги мактаблардан методик жиҳатдан фарқ қиларди. Мактабда диний ва дунёвий фанлар баравар ўқитилиб, жуда қисқа муддатта савод чикариш йўли танланган эди. Талабалар учун дарслик ва қўлланмаларни имкони борича муаллимнинг ўзи тузади.

Билимдонлиги, теран фикрлилиги учун Вадул Маҳмуд 1917 йилги ўзгаришлардан кейин янги ҳокимият мусасаларига жалб этилади. Айрим ҳолатларда унинг муайян эътиқод замининда

шаклланган ижтимоий-сиёсий қарашлари ва адабий-эстетик тушунчалари шўро ҳукмати мафқурасига кўп ҳам мос келавермайди.



Истиқлол қаҳрамонлари Вадул МАҲМУД



“Болаларимизнинг маънавий тарбиясига келсак, мундан ҳам ёмон ҳолатларга учраймиз, — деб ўқтиради у “Болалар тарбияси” мақоласида. — Болаларни қўриқтиришдан “ана ола пўстак келди, ана ола бўжи товуши келаёттибди...” деган сўзларимиз болаларга ёмон таъсир қилади.

...Сўт билан қирган жон билан чиқадир, деган мақол мазмунича бу таъсир биздан ўлмагунча кетмайди. Демак, биз шу таъсир натижасида ҳозирча тенглик қонунидан зоҳиран-да фойдаланмаймиз. Бу ҳол мунда турсин, бизнинг болаларимиз-да шундай тарбиядадирлар. Агар биз ҳозирда шу тарбияни ташлаб, янги бош-оёғи соғ шижоатлик ёнур кишилар устиришга киришмасак, биздан сўнг келатурган насл-да шу аҳволда бўлади.

Болани қўриқтиб тарбиялаш фақат унинг шахсий психологиясигагина таъсир қилиб қолмайди. Масаланинг ижтимоий зарари хавфлидир. Қўриқтиб тарбияланган авлод муайян тарихий жараёнда на ҳақ-ҳўқуқини талаб қила олади, на эркин фикрини очик айта олади.

Вадул Маҳмуд “Маорифимиз” мақоласида маориф ишлари сустиги, мактаблардаги муаллимларнинг билими саёзлиги хусусида кўпинча ёзади. Шунга қўшимча қилиб қўйишга муроҳазаларни айтиб ўтишни маъқул билди: “Бир қайдан марказ ўзига маъқул қўрилган йўл билан (мактаблар учун -Б.К) дастуруламал юборадир. Жойларда татбиқ қилиниб-қилинмаслигидан хабарсиз қунда буйруқлар ёзадир, ҳар кун бошқа таълимотлар келадир. Муҳим бир нуқсонни айтиб ўтмоғимиз керакки, у ҳам шу таълимот ёзатур-ғонларнинг руслардан бўлиши, яъни бизнинг аҳолимиздан хабарсиз кишиларнинг бизга йўл кўрсатувчи бўлғонидир. Бутун ишмишимиз натижасиз бўлганига сабаб шудир”.

Афтидан, Вадул Маҳмуднинг бундай ҳақ гаплари ва кескин танқидлари ҳамда мактабларга юбориладиган ўқув-ўслубий дастурларни маҳаллий муаллимнинг руҳиятидан хабардор шахслар ишлаб чиқиши лозимлиги хусусидаги талаб-тақлифлари ҳукуматнинг юқори доирасидаги масъул кимсаларга маъқул келмайдими.

Вадул Маҳмуд қаерда ишламасин, давр қийинчиликларига, турли муаммоларга учрайди. Бироқ туршқин руҳиятини тушқунлик кайфиятига қўл қилмасдан курашади, йўл-йўриқ излайди, тўғри деб тоғлан фикрини илож борица қўпчиликка тасдиқлаштиришга интилади. Масалан, Самарқанддаги бирдан-бир илмий муассаса бўлмиш билим юрти биносини ҳукумат ўз идораларини марказлаштириш мақсадида тортиб олмоқчи бўлганига мудар сифатида юқорироқ доираларга мурожаат этади. Шунингдек, “Яхши эмас” мақоласи билан чиқиб, ўқитиш ишларида мулжалланган бинони ҳукумат идора-

Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.


Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.



биз юқориди бир оз тўхталиб ўтган ва келгуси айрим саҳифаларда тахлил этадиган баъзи асарлари ўша асосий илмий-адабий йўналиш учун қаламини чархалаб, маҳоратини ошириш бобидаги пиллапоя бўлгани табиийдир.

20-йиллар адабий жараёнида портрет характеридаги, муайян ижодкорнинг шахси, яшаган даври ва асарлари билан таништирувчи мақолалар кўпга учрайди. Вадул Маҳмуднинг “Турк шоири Ажзий”, “Алишер Навоий”, “Фузулий Бағдодий” сингари мақолалари шулар жумласига кирди. Мунаққиднинг мазкур типдаги асарлари ўзига хос композицияга эга. Ҳар бир мақола муқаддима ва хотимадан ташқари кичик сарлавҳалар остида бўлимларга ажратилган бўлиб, текширилаётган масалани аниқ кўрсатиб туради.

Вадул Маҳмуднинг “Фузулий Бағдодий” мақоласи XX асрнинг 20-йилларида ўзбек ўқувчиларини улғу озар шоири Фузулий ҳаёти ва ижоди билан таништирувчи дастлабки манбалардан бири сифатида қимматли. Унда шоир шахсияти ва дунёқараши, асарлари, улар қайси тилда битилгани, муҳими, Фузулийнинг Туркистон шоирларига таъсири каби масалалар ёритилди...

Вадул Маҳмуд сочма-насур услубида ёзилган “Маҳмудхўжа Бехбудий” асариди “Маҳмудхўжа Бехбудий аввал ким эди?” деган саволга жавоб беради: “Маҳмудхўжа Бехбудий” Туркистон деган ўлканинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.

шаклий тузилишига, услуби ва тилига эътибор қаратади. Оддий гаплар йиғиндисини қофиялаб, шеър унвони билан эълон қилувчи кимсаларни хушламайди. Шеърдаги мухсий оханг, чуқур дард ва санъаткорона мукамалликни қадрлайди. Шунинг учун бўлса кераки, адабий жараёндаги ёш қаламкашларнинг принципал чиқишларини кузатиб, “Ўзгариш даври ўзбек адабиёти” мақоласида Абдурахмон Саъдий Вадул Маҳмуднинг “Туркистон” газетасидаги танқидий мақолалари “Ўзбек ёшлари ўртасидан адабий танқид қаламлари чиқа бошлаганини кўрсатади”, деган фикрни ёзади.

Жулқунбой (Абдулла Қодирий) ҳам Вадул Маҳмуд қаламига эътибор бериб, ўртоқлиқ ҳазили тарзида ёзган “Олти йиллик базм” асариди: “Вадул Маҳмуд ўртоқ бир биродаримизнинг тасвирича “қўқлам” дир, қўқламнинг ёзи билан кузи қалай келишини ҳозирдан айтиб қўймоқ номаъқул бузоқнинг гўштини емакдир”, деб унинг келажакдаги ижодий ютуқ ва камчиликларидан фол очини истамаслигини билдиради. Таъкидлаш кераки, ўз вақтида Чўлпон, Фитрат ва Абдулла Қодирийга, ўзбек насри ва назмига нисбатан қатъий илмий баҳо берган адабиётшунослардан бири ҳам шу “Вадул ўртоқ” (замондошларнинг таъбири) эди: “Ўзбек янги адабиётининг насри тилини эндигина янгилаб келаятган Фитрат билан ишнинг кўпдан бошлаб эндигина майдонга отишга муваффақ бўлган А.Қодирийдан бошқа ҳеч бир нимага молик эмасдир. Шеърда бўлса, Чўлпондан бошқа тилга оларлик ва ишнинг кўрсата олган кишимиз йўқдир. Бунинг-да камчиликлари ҳали жуда кўпдир”.

Бундай кескин айтилган фикр, аччиқ ҳақиқат, аввало, кўпгина ижодкорлар, сўнгра тадқиқотчи олимларнинг безовталигига сабаб бўлди. Афсуски, Вадул Маҳмуд ўз илмий фасоҳати, нафис эстетик диди, гўзалликка ошно қалбини сезими туфайли ихлос қўйган ўша адабий сиймолар иходини батафсил талқин қилиш бахтига мурасар бўлмади. Қисмат битиги — даврнинг қора қулнақси унинг ижоди ва ҳаётига соя солди...

“Мухит эрки”да (Чўлпон таъбири) қилдан қийқ ахтариш, ноҳақ тухматлар уюштириш, “марксизм-ленинизм мусикаси”дан завқ топа олмаган ёзувчиларни бадном этиш кайфияти кучайди. Давр Вадулнинг “дарवेशлиги” — тасаввуфна адабий-эстетик қарашларини, мунаққид англаган ҳақиқатни ҳазм қила олма эди...

Вадул Маҳмуд ижодидаги мустакиллик йилларидагина муносиб, ҳолис ва тўғри баҳо берилди. Мен 80-йиллар охирида жаҳидларнинг кутубхоналарнинг ноёб фондларида сақланган газета ва журналларини кўп ўқидим. Улар саҳифаларида босилган Вадул Маҳмуд мақолалари эътиборимни тортиди. Университетда аввал битирув иши, сўнгра 1995 йили “Вадул Маҳмуднинг 20-йиллар адабий танқидчилигидаги ўрни” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқладим. Вадул Маҳмуд “Танланган асарлари” Маънавий нашриётида “Истиқлол қаҳрамонлари” рункидаги китоблар қаторида нашр этилди.

Оловнинг иссиқ тафти совуқ кунда, ойнаинг ёруқ нури қоронғу тунда билинади. Шунга мувофиқ, ҳар бир воқеа-ҳодиса муайян тарихий шариот билан изоҳланиши эътиборга олинса, Вадул Маҳмуднинг адабий меросга ихлоси, адабий танқидчилик тарихидаги ўрни, зарур шариотда қардош миллатлар адабиётига муносабатининг аҳамияти ва умуман, ўз даврида қилган хайри ишлари кўзга янада ажқорроқ кўринади.

Булут ортидаги қўёғи бир қуни чархлаб чиқади, албатта. Ҳақиқатнинг рўёби шунга менгзайди. Кўп йиллар панада қолган жаҳид адиблари, мунаққидлари, зиёлиларнинг асарлари бугун қадр топаётгани, фидойиликларга тўла ҳаёт йўли ёшларга ибрат бўлаётганидан одам қувонади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446. 11413 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова Мусахҳиж: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзиллими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй